



“ЗУЛМГА ҚАРШИ 7 КУН”: 7-ҲАФТА ВАРАҚАСИ



Ҳурматли ватандошлар!

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок қилиб, ўтган ҳафтада эълон қилган варақачамизни мамлакатимизда тарқатган юртдошларимизга миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Гарчи 7 кун мобайнида УХХ логотиби ва “Ислом Каримов Ўзбекистон ерини — Сўх анклавини — Қирғизистонга пуллашни бошлаб юборди. Ислом Каримов — давлат ва Ватан хоини!” деган варақамиз мамлакатимиз кўчаларида тарқатилгани ҳақида хабар олмаган бўлсак-да, юртдошларимиз ушбу варақамизни ҳам фаол тарқатганига ишончимиз комил.

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасининг еттинчи ҳафтасида фаолларимиз, тарафдорларимиз, эркинлик ва адолат руҳидаги бошқа юртдошларимизга навбатдаги варақачамизни тақдим этамиз. Еттинчи ҳафта варақасида ўзбекининг исёнкор шоири, Сталин қатағонлари қурбони Абдулҳамид Чўлпоннинг

“КИШАН КИЙМА, БЎЙИН ЭГМА, КИ СЕН ҲАМ ҲУР ТУҒИЛҒОНСЕН!” деган ўлмас мисраларини ёзиб чиқишга қарор қилдик.

Бу сафарги варақачамизда айнан шу муаммони кўтариб чиқишимиздан мақсад оддий ўзбекистонликларни золим Каримовнинг зулмига итоат қилмасликка чақиришдир. Зеро, бугунги эркиса, қашшоқ ва мутъ аҳволга тушишимизга Каримовнинг турли ёлғонларига, масалан, ноннинг нархини оширмаслигига, тинчликни таъминлашига алданиб, кишанларга рози бўлганимиз, ўз эркимиздан воз кечганимиз асосий сабабдир. Шундай бир вазиятда энди кишанларни узишимиз, бошимизни тиклашимиз зарур.

Келинг, мазкур вазиятда, биз, оддий ўзбекистонликлар, олдимизга ана шу мақсадларни қўйиб, шоиримиз Абдулҳамид Чўлпоннинг “КИШАН КИЙМА, БЎЙИН ЭГМА, КИ СЕН ҲАМ ҲУР ТУҒИЛҒОНСЕН!” деган ўлмас мисраларини юртдошларимизга етказайлик! Ҳар биримиз шу варақачадан ҳеч бўлмаса 7 тасини одам кўп тўпланадиган жойларга ёпиштириб чиқсак, Каримовнинг ноқонуний ҳокимияти томонидан тиз чўктирилган ўзбек халқини қаддини тиклаш йўлида хайрли ишни амалга оширган бўламиз.

Азиз юртдошлар!

Қуйида ҳавфсизлигинизга оид бир қатор маслаҳатларимизни яна эслатмоқчимиз. Варақачамизни принтердан чиқараётганда ҳамда бекатлар, деворлар ва симёғочларга ёпиштираётганда ўта хушёр бўлишни, иложи бўлса, атрофда ҳеч ким йўқ пайтларда ёпиштиришни тавсия этамиз.

Бир марта варақа ёпиштирган жойингизга иккинчи марта варақа ёпиштирмаганингиз маъқул. Варақаларни бегона одамларнинг принтерларидан, айниқса, компьютер клублари ва интернет-кафелардаги принтерлардан чиқармасликни тавсия этамиз.

Бундан ташқари, варақачамизнинг электрон версиясини компьютерларингизда узоқ сақламасликни, варақачаларни ёпиштириб бўлгандан кейин компьютерларингиздан иложи борича тез ўчириб ташлашни тавсия қиламиз.

Қирқиб олинган варақачаларни ёнингизда узоқ муддат сақлаб юрмасликни, айниқса, Тошкент метрополитенига олиб тушмасликни, уларни иложи борича тезда ёпиштириб чиқишни маслаҳат берамиз.

Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон озодлиги учун курашда эҳтиётсизлик туфайли қамалиб, курашдан ташқарида ётгандан кўра, эҳтиёткор бўлиб, озодликда ва аҳоли орасида юриб, кураш майдонида ҳаракат қилиш фойдалидир. Узимиз учун ҳам, халқимиз учун ҳам!

Келажак ҳафта мобайнида юртдошларимиз “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати логотиби туширилган ва “КИШАН КИЙМА, БЎЙИН ЭГМА, КИ СЕН ҲАМ ҲУР ТУҒИЛҒОНСЕН!” деган сўзлар битилган навбатдаги варақачамизни мамлакат кўчаларида ёпиштириб, ватандошларимизни курашга чорлашда Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига кўмакдош бўладилар, деган умиддамыз.

ЎХХ ташвиқот бўлими

ҲИСОБЛАНГАН ДЎСТ

Кеча ўтириб, Каримовнинг 18 январдаги икки соатлик амри-маъруфини эшитиб чикдим. Биров ёзиб берган текстни ўқишдан зериккан Каримов мақол айтгиси кеб колди. Бу мақол Каримов тилидан «Ҳисобланган дўст айрилмас» тарзида чикди. Кейин Каримов ўзбек тилини янги ибора билан бойитишга уриниб, мана бу иборани ирод килди. «Ҳалолликни ўзбекдан ўрганиш керак».

Мен севаман, сен севаганими?

«Барака топкур» калимасини икки марта қайтарган ИАК Хоразм ҳақида 2 минутдан ошиқ гапирди: «Хоразмликларни нимага яхши кўраман биласизларми?» деб Каримов залга савол билан юзланди.

Зал эса «Нимага севадиз?» деган мазмунда чапак аралаш гувиллади.

Ана шундан кейин Каримов ўз севгиси сабабини айтди:

«Хоразмликларда ғурур бор. Ана шунинг учун уларни севаман» деди ИАК. Кейин эса Каримов «Бу ғурур фақат мамлакат ривожига хизмат қилиши кераклигини» уқтирди.

Бахт сўзининг «Б» ҳарфи

Кейин Каримов «Бахт», «Эрк», «Оргазм», «Демократия», «Адолат» тунчалари борасида «ўзига хос ва мос» фикрлардан гапирди.



Узоқ умр сири

Гап сўнггида эса «Хулоса» килган Каримов «Суд, прокурор ва вазирлар соғ бўлса, мен ҳам соғ бўламан» деган гапни айтди.

Шухрат Бобоҷонов

ЭЙ ХАЛҚ! ГАВЖУМЛИК ИЧИДА ТАРҚОҚ ХОРЛАНЯПСАН

Ўзбек халқининг бошқа миллатлардан фарқи ўзига хос хусусиятлари бор. Жумладан, қадимда дунёнинг турли ерларини боғловчи Буюк Ипак Йўли карвонларининг туташ савдо қисми ҳозирги Ўзбекистон худудида бўлгани сабабли, халқнинг қонига, феълига тадбиркорлик ва ишбилармонлик сингандир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳар қандай вазиятда ҳам вазиятдан чиқишга уриниб, яшаш учун, мақсад учун курашда давом этаверади.

Яна бошқа бир ўзига хос хусусияти эса, Ўзбекистон минтақасининг иқлим шароити, ҳар фаслларнинг ўз ўрнида (қиш совуқ, ёзда иссиқ) бўлиши сабабидан халқ жисмонан табиий равишда ҳамиша мослашувчан ва кўникувчандир.

Эҳтимол ана шу икки энг муҳим омиллар туфайли ҳам миллат бугунги кунда хор ҳолатга келгандир. Одамлар билмайдик, ҳукумат:

- Болажон халқ деб айтилади.

Шунинг учун болаларини маънавий қолоқлаштириш, руҳан синиқ, жисмонан заиф қилишга уринилмоқда. Хаттоки оналарини стерилизация қилишни оммавийлаштириб, ошқора ва очик аборт билан қиришга уринилмоқда.

Халқ қабул қилди, кўнди, яшашяпти.

- Ўзбек қизларини иболи, хаёли дея таъриф этиларди. Аммо муҳитда шу даражада жирканчликни уюштирилмоқдаки, ўзбек қизи йил сайин маънан саёз, енгил фикрли, ифбатсиз бўлаётгани билан бирга, дунёда бўйлаб фоҳишалик соҳасида кенг миқёсда хизмат қилмоқда.

Ота-онаси қаторида халқ ҳам кўнди, оддий холдек қарашяпти.

- Ўзбек йигити мард, номусли ва ғурурли дея мақталар эди. Бугунги кунда эса ҳамиятсиз, масъулиятсиз, ориятсиз бўлиш билан бирга ҳар турли давлатларда арзон ишчи кучи бўлиб ишляпти. Эрнинг бели, сўзи синди.

Ҳамма кўниқди. Мослашиб, вазиятдан келиб чиқиб яшамоқда.

- Меҳнаткаш халқ дея қулоқлари ёлланган одамлар, чорам йўқ, яшаш учун кураш дея меҳнат қилляпти. Меҳнат эвазига эса заҳмат, маломат...

Нега?! Бу ҳолатларни юқоридаги айтилган омилларга боғладигу, аммо бу халқ тарихда зулмга қандай бўлган?

Тарихдан бу юртда форс хукмдорлари, мўғуллар, руслар ва бошқа кўплаб хукм юргазган давлатлар бўлган. Зулм кўрган вақтида эса халқ оёққа туриб бирдамликда бунга барҳам берган.

Хаттоки яқин ўтмишга қарасак, милтиқли золимларга қарши халқ кўлида кетмон, белкураклар билан жужум қилишган. Халқ бу қадар мардларча шиддаткор бўлишига сабаб фақатгина ортиқча бож ва солиқлар эди. У вақтда боболаримиз бугунги кунгидек ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий ҳам маънавий ботқоқда қолган тирик мурда каби эмасди. Фақатгина иқтисодий ночор ҳолатнинг ўзи халқни жунбушга келтирганди холос. Қизларини номусларига, йигитларнинг ҳамиятига тегадиган зулм бўлмаган эди.

Аммо нега бугун Халқ мустақиллик дея алдаб мустаҳкам қуллик, хор қуллик шароитига кўниб, кўниқиб мослашиб яшамоқда?

Тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, халқни зулмга қарши бирлаштирган бир неча баҳодир шахслар бўлган. Шулардан бири Соҳибқирон Амир Темур. Қонхўр мўғуллар хукмронлик қилган даврда улғайган Амир Темур, вояга етгач Мўғул салтанатининг аскар бўлиб хизмат қилади. Аммо қалбида халқни учун қилинаётган зулм учун нафрати бор эди. Амир Темур аскар бўлиб хизмат қилиш давомида ўзи билан ҳамфикр бўлган, зулмга қарши бўлган юрагида ўти борларни ёнида тўплаб, Сарбадорлар гуруҳини

ташқил қилади ва зулмга қарши жанг қилади.

Тез орада Мўғул салтанатига барҳам беради. Бугун эса Амир Темурни ҳамма эҳтиром ва фахр билан тилга олади.

Эй Халқ! Табиий газинг бўлиб тезак-ўтин ёқясан, Пахтани ўзинг териб синтетик кийим кийясан. Олтинларинг бўлиб, қора терга ботиб ишляясан. Шунча серкўёш ўлкада неъматлар бўла туриб, рўзгоринг фақат ими-жими нарсалар билан яшаясан. Гавжумлик ичида тарқоқ хорланясан.

Балки бундан баттарига ҳам кўниб, кўниқиб яшаш учун ўз йўлингда давом этарсан?!

Хулоса ўрнида тарихда энг золим дея ном қолдирган Фиръавн ҳақидаги воқеани эслатишни маъқул кўрдим. Фиръавн тахтни эгаллаганида, сен ҳар кун кўчада, ишхонада кўрадиган оддий раҳбар каби эди. Орадан бир мунча вақт ўтиб, назоратни тизгинга олгач, барча мулозимларини қаттиқ итоат қилдирди. Кейин халқнига солиқларни оширди. Халқ индамади, тўлади, кўнди.

Кейин баъзи одамларнинг мулкани ноҳақ мусодара қилди. Халқ яна жим, бизга тегмаса бўлди, деди. Сўнг яна-да шижоатланган Фиръавн бир нечта одамларни ноҳақ қатл қилдирди. Халқдан ҳануз садо чикмасди. Ундан сўнг болаларни, вояга етмаган йигитларни оммавий қатл қилди.

Халқ жим яшашда давом этди. Бора-бора ўзини Худо деб эълон қилди. Халқ кўниб, унга сиғина бошлади. Фиръавн энди нимани хоҳласа, нимаики хаёлига келса, шуни амалга оширишда давом этарди, халқ эса кўниб, кўниқиб, шу бир золим кишига итоат қилиб яшарди.

Фиръавн ва унга итоат этган қавмнинг қандай оқибат топгани эса ҳаммамизга маълум.

Абдуллоҳ Алиев

Давлат ҳудудига кирган инвалюта, ҳудуддан чиқмаса, мамлакатда валюта миқдори кўпаяверади. Бу оммабоп тушунчалар асосида, "Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган махсулотлар рақобатбардошлигини яна-да ошириш ва таварларнинг мамлакатга ноқонуний олиб кирилишига қарши курашни кучайтиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида" даги 1913 сонли, Вазирлар маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

МАРДИКОР ПУЛ ТОПДИ, АРБОБ МУАММО...



Бу қарорга кўра:

-Фуқораларнинг чет эл сафарлари-га, нақд валюта олиб чиқиши, \$2000 миқдорга чекланди.

-Халқ учун валюта манбаи бўлган, валюта бозори беркитилди.

-Валютани айирбошлаш шаҳобчалари қисқартирди. Айирбошлаш операциялари, нақд пулсиз амалга оширилди-диган бўлди.

-Ўзбекистонда, савдо ва бошқа операцияларини нақд валютада амалга ошириш манъ қилинди.

-Четдан келтириладиган истеъмол молларни, сотиб олш учун сарфланаётган валюта оқимини тўхтатиш мақсадида, келтириладиган халқ истеъмоли моллари рўйхати 2013 йил 1-мартдан қисқартирилади.

Божхона вакиллари, четдан мамлакат ичкарасига, истеъмол молларини қўйиб юборишда, шу қонунга қатъий риоя қиладилар. Бу давлатимизнинг инвалютани мамлакатдан четга чиқармаслик учун қилинаётган тадбирдир. Бу билан арбоблар, ҳосил бўлган валюта жамғармани, технология ривожига сарфламоқчи эканини, халққа билдиришга ҳаракат қилаяптилар. Мамлакат раҳбарияти, шу молиявий усул билан рақобатбардош истеъмол молларни кўпайтирмоқчи. Танланган бу абсурд усул, ақсинча истеъмол моллари нархини оширади холос.

Мен ишлаб чиқариш мутахассиси сфатида, ўз фикримни баён қилмоқчиман. Масалан, мамлакатда ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг сифатини доимий равишда ошириш учун, жорий технологик линиялар жиҳозлари, мунтазам равишда, корхона графиги асосида, реконструкция қилиниши ёки замонавийга алмаштирилиши керак. Бу ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида, доимий ва ўта керакли тадбирдир.

Экспорт салоҳияти билан, инвалюта ишлаб топа оладиган корхоналаригина, жорий технологиясини, ўз вақтида янгиллаши мумкин.

Бундан ташқари, корхона ўзининг етук илмий, технологик ва лойиҳалаш марказларига эга бўлишлари керак. Корхонада, кадрлар масаласи тўла ечилган бўлиши шарт. Бизнинг мамлакатимизда, бундай корхоналар бормоқ билан санарли. Рақобатбардош товар ишлаб чиқаришнинг яна бир аспекти, мамлакат иқтисодий инфраструктурасининг ўзаро юридик боғлиқлиги, маданиятли ва мукамал бўлмоғи керак.

Ўзбекистон бугунги кунда технологик ривожланмаган давлат ҳисобланади. Чунки, Маориф, Олий ва ўрта таълим соҳаларида, таълим ва тарбия ишлари замонавий талабларга жавоб бермаяпти. Яъни, таълим-тарбия ишлари, порахўрлик билан амалга оширилаяпти. Натижада мамлакатда, савияси паст мутахассислар етишиб чиқаяпти.

Меҳнат фаолияти, пулсизлик ва буйруқбозлик билан амалга ошириладиган корхоналарнинг технологик аҳволи кундан кунга ёмонлашиб бораёпти. Шунинг учун ҳам, мамлакатда корхоналар рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришнинг ҳеч имкони йўқ.

Янги лойиҳалар асосида, янги корхоналар куриш ишлари, жорий ҳукумат амлга ошира олмайди. Чунки:

- Бошқарув состави порахўрлардан иборат.

- Эгасига "садоқатли" амалдорлар, ишлаб чиқаришда, тажрибасиз ва чаласаводдирлар.

- Катта амалдорнинг, давлат ишлари учун ажратган вақтлари жуда оздир. Улар кучларини ўз шахси ва аймоғи манфаатига сарф қиладилар.

- Замонавий корхоналарни, порахўрлик ва буйруқбозликка ўрганган амалдорлар билан асло барпо қилиб бўлмайди.

Валюта бозори фаолиятини таъкиқлаш, бу табиий оқимга қаршилик кўрсатиш билан баробардир.

Негаки, бозордаги валюталарни фуқароларимиз, мардикор усули билан, четдан, ўзларининг ҳалол меҳнатлари эвазига топиб келаяптилар. Бу пулларга, ҳукумат ўзининг қинғирқийшиқ қарорлари билан хўжайнчилик қилмоқчи. Валюта эгаси яъни меҳнаткаш халқ шахсий манфаатига тўғри келсагина, ўз мулкни (валютани), бозорга сотувга чиқаради.

Валюта, давлат банкларида эмас, балки бозорларда айланаяпти. Иқтисод таназулда. Бошқарув системасининг халқни маданиятли бошқаришга кучи етмаяпти. Мамлакатдаги бошқарувнинг ва молиянинг бундай аҳволи, Каримов режимининг охирида қолганига яна бир далилдир.

Мамлакатдаги давлат банкларининг, инвалюта тушира оладиган статьяси йўқ. Ҳозир банклар, ўзларининг агентларини, валюта жамғариш учун, валюта бозорларига жўнатганлар. Демак, ҳақиқатан ҳам элакчи элакка ёлчимабди.

Менинг хомаки ҳисобимга кўра, халқимизнинг ёстиғи тагида \$300 миллиарддан кўп, ҳаракатсиз инвалюта ётибди. Чунки, халқимизнинг президент ва банкирларга бўлган ишончи мутлақо йўқ. Шунинг учун ҳам, бу пуллар давлат банкларига қўйилмайди.

Агар халқимиз, ўз истаклари билан, кассаларидаги барча валютани, Каримовга олиб бориб берганда ҳам, унинг танланган мулозимлари, халқ учун икки кўприк ва уч километр асфальт йўл қуролмасалар керак. Чунки, амалдор ва Каримов учун халқнинг кадри йўқ. Уларга, уларнинг пулининг ҳам кадри йўқ.

1913 сонли қарор, ҳукуматнинг ночорлигидан дарақдир. Қатағон йилларида, бошини омон сақлаган халқимиз, ҳукуматнинг бу найранглирига ҳам бўш келмас. Истеъмол моллари қимматлашади. Лекин валютани халқ қўлидан ҳеч ким тортиб ололмайди. Чунки, валюта мардикорниги. Валюта бозорда айланаверади.

Жуманиёзов Нуриддин

ҚАМА-ҚАМА. БУХОРОДА ИККИ КОРХОНАГА ҚАРШИ ЖИНОЙИ ИШ ҚЎЗҒАТИЛГАН

Бухоро шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан иккита корхонанинг ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари айланиши таҳлил қилинган.

Жумладан, «Омега Гранд» хусусий корхонаси ҳисоб рақами текширилганида, 2011-2012 йилларда 101.800.000 сўм нақд пул маблағи банкка топширилмагани, 3.034.076.000 сўмлик товар эса қирим қилинмасдан улгуржи сотиб юборилгани аниқланган. Корхона раҳбари Р.

Ҳожиёвга нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилган. Суд қарорига кўра, Р.Ҳожиёв иш ҳақининг 20 фои-

зини давлатга ундириш шarti билан 3 йиллик ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинди.

Шунингдек, солиқ инспекцияси ходимлари томонидан «Аякс-трансстройсервис» хусусий корхонасининг ҳисоб рақами ҳам таҳлил қилинган ва 13.467.000 сўм нақд пул банкка топширилмагани аниқланган.

Корхона раҳбари Б.Пўлатовга нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилди. Суд Б.Пўлатовни иш ҳақининг 30 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан 3 йиллик ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этган.

ЎХХ хабар маркази

Хайвонот оламидаги Оққуш дунёга келиб улғайгунигача иржит ўрдакча каби кўримсизгина бўлади. Балоғат даврида эса кўркам ва товланувчан тус олади. Бутун умри давомида фақат бир бора, ўлими олдида сайрайди. Куйлайди ва бир оздан сўнг ўлади...

Ўзбекистон Президентининг тўнғич кизи Гулнора Каримова ўтган вақтларда қилган қилмишлари ва хаёлари сабабидан, уни сўнгги йилларда муаммолар гирдоби ўз домига тортмоқда. Шу вақтга қадар мамлакатнинг кўплаб номдор тадбиркорлари, ишбилармонлари, сиёсатчилар ва криминал оламининг етакчилари билан бўлган ўзаро зиддиятларида отаси туфайли Гулнора Каримова фойдасига ҳал қилинган бўлса, энди ўша қазилган чохларга ўз оёқлари билан яқинлашмоқда. “Отасининг даври ўтганда Тошкент бўйлаб яланғоч югуришига мажбур қиламан” деганлар қасамини амалга оширишига яқин.

Гулнора Каримова илгари фақатгина ички низо туфайли ўз вакиллари, ишончли ходимлари ва иш юритувчиларидан айрилган бўлса, эндиликда ташқи кучлар таъсирида ҳам маблағлардан ҳам иш юритувчиларидан айрилган ҳолда ўзининг ҳаёти ҳам боши берк кўчага кириб бормоқда. Энг асосий зарбалар эса бугунги кунда МХХ томонидан Гулнора Каримовага нисбатан яширин ҳолатда энг учидоги бошланган “хужум” лардир.

Сўнгги олти ой ичиди айрилган иш бошқарувчиси Бекзод Ахмедов, Гаяне Авакян, Шохрух Собировларга нисбатан Швеция ҳукумати томонидан халқаро жиноий ишлар очилган бўлса, кўп йилдан буён ҳамкорликдаги вакили Баҳодир Каримжонов назоратида бўлган корхоналарига нисбатан МХХнинг буйруғи билан мажмуавий текширувлар бошланган вақтда Ўзбекистондан қочиши қутилмаган вазиятга солиб кўйди.

Тошкентнинг Хувайдо маҳалласида истиқомат қилган “Бохо шакарчи” номи



ОҚҚУШ ҚЎШИҒИ

билан танилган Баҳодир Каримжонов энг йирик шакар ва озиқ-овқат импорти, ҳўл ва курук мева экспортини амалга ошириш билан фаолият юритган эди. Бу шахснинг корхоналари учун Ўзбекистонда ёпиқ бўлган конвертация амалиёти исталган миқдорда бажарилар эди. Шу билан бирга мамлакатдаги “обналичка” соҳасида ҳам йирик пул маблағлари айланмасини амалга оширар эди.

Гулнора Каримова “бошини танасидан жудо қилган” энг яқин вакили Миродил Жалолов раҳбарлигидаги “Зеро-Макс” кўшма корхонаси ўзини банкрот дея эълон қилишидан бир ҳафта илгари бу корхонанинг ҳисобиди бўлган омборлар, дўконлар, юк ташиш воситалари, қурилиш техникалари, тиббий клиникалар, дам олиш пансионатлари “ЗероМакс” ҳисобидан чиқарилиб, турли шаклдаги янги корхоналарга расмийлаштирилган. Бу корхоналарнинг назорати билан ҳам Баҳодир Каримжонов шугуллана бошлаган.

Ўтган 2012 йилда тиббий клини-

каларга боғлиқ корхоналар МХХнинг буйруғига мувофиқ текширув натижасида фаолияти тўхтатилган эди.

Жорий йилнинг бошида эса Гулнора Каримованинг иш бошқарувчиси ва вакили Баҳодир Каримжонов назоратидаги омборлар ва дўконлар, импорт ва экспорт корхоналарига яна мажмуавий текширувлар бошланиши сабабли бу шахс мамлакатни зудлик билан тарк этиб, БАА давлатида яширинди.

Эндиликда эса Каримовлар оиласига тааллуқли бўлган, мамлакатга хориждан маҳсулотларни етказишда, юк ташиш соҳасида монополияга айланттирилган “Абу Сахий” корхонасининг иш фаолиятини тўхтатилгани, омборлар ва ҳужжатларга нисбатан мажмуавий текширувлар бошлангани ҳам яна бир зарбадир.

Шундай қилиб Гулнора Каримовага тарафдор бўлган, молиявий ҳамкор бўлган ва улушларни баҳам кўрган шахслар қора рўйхатга олиниб, бирма-бир четлаштирилмоқда. Яқин кунларда

- Кредит стандарт банк
- АКФА корхонаси ва унинг раҳбари Жаҳонгир
- ТВ Марказ телеканали
- НТТ телеканали
- Фонд Форум жамғармасига

нисбатан текширувлар бошланиб, фаолиятига чек қўйилса, Гулнора Каримова ота-онаси бор ЕТИМга айланади. Сабаби, мамлакатда яшаш унинг ҳаёти учун хатар ва таъқибларни юзага келтирса, хориж давлатларига чиқиш эса халқаро жиноятлари сабабли бошпанага эга бўлиши қийин кечади. Балки у вақтга келиб халқаро қидирувга ҳам эълон қилинар...

Жуда кўп соҳалар бўйича ном қозонишга ҳаракат қилиб кўрган Гулнора Каримова сўнгги йилларда ўзини қўшиқчилик санъати билан ҳам намоён қилишга уринди.

Оққуш фақатгина умрининг сўнгги кунларида қуйлар экан...

Абдулла Алиев

“UZNEWS”НИНГ ҲАҚИҚАТИ ВА ЁЛҒОНИ

Uznews сайтида “ЎХХ ни “Одноклассники”дан қувишди” (НДУ изгнали из “Одноклассников”) номли бир мақола эълон қилинибди.

Ундаги маълумотлар бар навъи ҳақиқат бўлса, қолгани ёлғондан иборат.

Ҳақиқат шуки, Ҳаракатимизнинг ““Одноклассники.ру” сайтидаги гуруҳи блок қилинган, яъни ёпиб қўйилгандир. Бу ҳақда мен ЎХХ сайтида ва ББС ўзбек хизмати билан суҳбатдан айтганман.

Энди “Uznews”нинг ёлғонларига келадиган бўлсак, улар шулардан иборатдир:

Биринчидан, мен бу сайт муҳбири билан гуруҳимизнинг ёпилиши ҳақида ҳеч қандай суҳбат (интервью) ўтказмаганман.

Иккинчидан, “Одноклассники.ру”дан гуруҳимиз ҳайдалмаган, блок этилган.

Вазиятнинг кулгили тарафи шундаки, Uznews саҳифасининг энг тепасида “Ўзбекистонда блок этилган” деб ёзиб қўйилган. Агар Uznews мантиғидан келиб чиқадиган бўлсак, Uznewsни Ўзбекистондан ҳайдашибди-да!..

Учинчидан, мазкур мақола сўнгидида ЎХХ матбуот эркинлигига қаршидир, дейилган яна бир ёлғон айтилган. Бу энди нафақат ёлғон, балки бўҳтон ҳамдир. ЎХХ нинг барча оммавий ахборот воситалари (расмий сайтимиз, Фейсбукдаги, Одноклассникидаги янги саҳифамиз, Эркин Юрт газетамиз, Туркистон ТВ ва радиоси) Ҳаракатимиз аъзолари, хайрихоҳлари ва барча ҳамюртларимиз учун эркин минбар ҳисобланади. Шунингдек, Ҳаракатимиз вакиллари хорижий матбуот, интернет тармоқлари, чет элларда ўзбек тилидаги оммавий ах-



борот воситалари билан ҳамкорлик қилиб келади.

Сўз эркинлиги ниқоби остида “Uznews” сайтида вақти-вақти билан амалга оширилаётган бўҳтон ва дезинформация тарқатилишига (бу Uznews сайт ходими билан менинг ҳеч қачон ҳеч бир мавзуда суҳбатлашмаганим бунинг сўнгги далили бўла олади) ЎХХ қарши экани бор гап, аммо бу ёлғон ва бўҳтоннинг сўз ва матбуот эркинлигига алоқаси йўқдир.

Намоз Нормўмин

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳонда маҳбуслар сони бўйича энг кам кўрсаткичларга эга, деб айтади Ўзбекистон Олий маҳкамаси раиси Бўритош Мустафоев «Халқ сўзи» рўзномасига берган интервьюсида.

жазо чоралари чиқариб ташланди», - деб таъкидлайди Олий маҳкама раиси. Мустафоевга кўра, 23 минг жисмоний шахслар томонидан 246 миллиард сўм ундирилиши туфайли улар қамоқ жазосидан озод қилинганлар.

Конституция куни муносабати билан Ўзбекистонда йирик амнистия бўлиши айtilсада, бу анъана диний ва сиёсий айбловлар билан қамалган маҳбусларга нисбатан ишлатилмайди.

Халқаро ҳуқуқ ташкилотлари

«ЎЗБЕКИСТОНДА ДУНЁ БЎЙИЧА ЭНГ КАМ МАҲБУСЛАР БОР»МИ?

Унга кўра, Ўзбекистонда ўтказилган кенг миқёсдаги ислохотлар орқасидан шундай натижага эришилган.

«Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги чоралар Ўзбекистонда қамоқдагилар сонини жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткичга олиб келди. Яъни ҳар 100 минг аҳолига 166 киши тўғри келади», - дейди Бўритош Мустафоев.

Таққослаш учун, деб таъкидлайди жаноб Мустафоев Россияда бу 611, АҚШда эса 738 маҳбусни ташкил қилади.

«Кейинги пайтда иқтисодий жиноят содир қилганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жарима тўлаш имкониятлари кенгайди. Бундан ташқари жиноий жавобгарлик тизимидан инсонпарварликка тўғри келмайди-ган мол-мулкни мусодара қилиш каби

Иқтисодий жиноятларда айбланганларнинг жазо муддатини гаров эвазига энгиллатиш, озодликка чиқариш ҳақида гапирган Бўритош Мустафоев сохта айбловлар билан узоқ йиллар қамоқларда қолаётган сиёсий маҳкумлар ҳақида лом-мим демайди.

14 йилга қамалган кекса ёзувчи Мамадали Маҳмудовнинг жазо муддати 16 февралда тугаганига қарамасдан нега озодликка чиқмаётгани инсонпарварликка қанчалик тўғри келиши ҳақида гапирмайди.

Ўзбекистондаги айни пайтда қанча сиёсий ва диний айбловлар билан қамалган маҳбуслар борлиги ҳақида аниқ маълумот олишнинг иложиси йўқ. Бироқ таҳлилчиларнинг хулосаларига асосланган ҳисоб-китобларда ҳам уларнинг сони 15-20 мингга етиши мумкин.



Ўзбекистон ҳукуматидан ўнлаб сиёсий ва диний маҳбусларни озод қилишни сўраб келади.

Улар орасида жазо муддати сунъий равишда чўзиб келинаётган Мурод Жўраев, Мамадали Маҳмудов, Муҳаммад Бекжонов, Рустам Усмонов, Рухиддин Фахридинов, Солижон Абдурахмонов, Дилмурод Саидов кабилар бор.

bbc.co.uk/uzbek

ПРЕЗИДЕНТ КИМГА «МУХОЛИФ»ЛИК ҚИЛМОҚДА?

(«Долзарб чорак аср» туркумидан)

Яқинда Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши йиғини чоғида мамлакат раҳбари Ўзбекистондаги иқтисодий аҳволни қаттиқ танқид қилди. «Бу — Каримовнинг сўнгги йиллар ичидаги энг кескин танқидий чиқиши бўлди», дея ёзишди шарҳловчилар.

Каримов ўзининг бу «танқидий» чиқишида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 4 ярим фоизга ошгани, sanoat ишлаб чиқаришининг эса, 8,1 фоизга ошганини маълум қилди. Аммо шу билан бирга, президентнинг айтишича, пахта ҳосилдорлиги 10 сентнергача тушиб кетган бўлиб, 250 минг гектар пахта плантатсиялари даромад келтириш ўрнига зарар келтирмоқда экан.

Шунингдек, мамлакат раҳбари сувнинг, айниқса, ичимлик сувининг исроф этилаётганини ҳам танқид қилди. Унинг айтишича, Ўзбекистонда киши бошига масалан, Германиядагидан кўра, 4 баробар кўп миқдорда сув сарфланмоқда экан. Ичимлик суви ҳатто автомобил ювиш станцияларида машиналарни ювиш учун ҳам ишлатилмоқда. Тошкент вилоятида, президентнинг айтишича, истеъмолчиларнинг фақат 3 фоизигина сувни ҳисоб-китоб қилувчи ускуналардан фойдаланмоқда.

Мамлакат раҳбарининг айтишича, табиий газни ўғирлаш даражаси ҳам мудҳиш миқёсларга бориб етган. Ўзбекистон раҳбари, шунингдек, миллий кадрларни тайёрлаш бора-

сидаги вазиятни ҳам қаттиқ танқид қилди. Унинг айтишича, мамлакатда, педагог ва инженерлар етишмас экан. Мамлакат раҳбарининг фикрига кўра, таълим олш жараёни стихияли равишда ривожланмаслиги керак экан ва ҳақозо.

Агар бундай танқидий фикрларни мамлакат раҳбари эмас, бошқа бир оддий одам айтганида эди, у албатта, ўзини зум ўтмай, Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги ертўласида ёки Жаслик қамоқхонасида кўрган бўлар ва унинг номи экстремист-террористга чиққан бўларди. Яхшиямки, бу танқидий фикрларни президентнинг ўзи айтмоқда ва бундай танқид учун ҳеч ким қамалмайди, шу жумладан, президентнинг ўзи ҳам. У ҳолда, савол туғилади: мадомки, мамлакат аҳволи ҳақда президентнинг ўзи ҳам, унга мухолиф бўлаётганлар ҳам бир хил фикрда экан, нега президентга бундай «яқдиллик» кўрсатаётганлар қамоқларга ташланмоқда, уриб ўлдирилмоқда? Ахир президентнинг ўзининг бундай танқидидан сўнг, мамлакатдаги иқтисодий-сиёсий аҳволини танқид қилаётганларни президентга «мухолиф» дейиш ҳам ўринсиз, чунки, Ислом Каримовнинг Вазирлар Кенгаши мажлисида ўқиган бу нутқи оддий бир мухолифатчи ўқиши мумкин бўлган нутқдан фарқ қилмас эди. Аммо мамлакат раҳбари кимга мухолифлик қилмоқда ўзи, деган савол туғилади.

Бир мамлактни 13 йилдан бери бошқариб келаётган раҳбарнинг мамлакатда ҳали ҳам миллий

кадрлар масаласи ҳал этилмагани, ичимлик сувининг ҳудди совет империяси давридагидай исроф этилаётгани, экин ерларининг фойда эмас, фақат зарар келтираётгани ва ҳақозо шунга ўхшаган танқидлар кимга қаратилган ўзи? Одамда беихтиёр, «мамлакатни президент бошқармаётган экан-да», деган бир гумон пайдо бўлади.

Аслида эса, масала моҳияти биз гумон қилгандан кўра, анча жўн ва оддийдир.

Гап шундаки, Ўзбекистон президенти бундай танқидларни, мамлакатга раҳбарлик қила бошлаган пайтидан бери айтиб келмоқда. Бундай ўзига ҳос «бошқарув» усули меваси ўлароқ, халқ орасида, «мамлакат раҳбари ўзи яхши одам-у, фақат атрофидагилар ёмон, улар президентимизга ишлагани қўйишмайди», қабилидаги ривоятлар пайдо бўлган. Афтидан, Ўзбекистон раҳбари ўзининг 13 йиллик бундай «тактика»си ҳали ҳам ўз самарадорлигини йўқотмаганига ишонаётган кўринади.

Умуман олганда эса, «юртбоши»нинг бундай сайраши — Ўзбекистон Конституциясининг дунёдаги энг демократик конституция деб тан олина туриб, айни пайтда мамлакатнинг ваҳший, конхўрона, қароқчиларча, деспотик бир тарзда бошқарилаётгани каби чиркин, риё тўла бир воқеликнинг бир парчасидир.

Мақсуд Бекжон
2002

А. ОРИПОВ: ЎЗ ЮРТИМДА ЭМИГРАНТДАН БАТТАР АҲВОЛДАМАН...



Инсон баъзан ўзи билмаган ҳолда ҳақиқатни айтиб юборади. Чунки ҳақиқатни айтиш баъзан, масалан Ўзбекистондаги Ислом Каримов диктатураси шароитида, тилни ёки бўлмаса инсоннинг жисмини тамоман куйдириб юбориши мумкин...

Абдулла Ориповнинг ўз вақтида катта мисралар ёзган, катта лавозимлар эгаллаган ва катта мукофотлар олган шоирлигини биламиз. Мана энди ундан катта ва айтиш мумкинки тоғлар катталигида бир эътироф етиб келди:

“Мен ўз юртимда эмигрантдан бадтар аҳволдаман...” қаранг:

dunyouzbeklari.com

Нега? Бу халқ шоирини ким хор қилди? Ўз юртида хор бўлган шу шоирнинг ўзими? Афсуски, бу ҳақиқат, бу аччиқ эътироф, яъни ўз юртида хор бўлиш бугун 30 миллионлик ўзбек деган халқнинг ўткинчи қисматига айланди. Ўткинчи,

деяпман, чунки зулм абадий эмас, бугун бўлмаса эртага, Ўзбекистонда эркинлик ва адолат тантаъна қилади, инша Аллоҳ.

Абдулла Орипов ва диктатор Каримовга лаганбардорлик қилиб, охири хор бўлган “зиёлиларга” келадиган бўлсак, уларга “баттар бўлинг”, дея олмай-миз. Чунки бу ҳам қадар, яъни тақдир масаласидир. Бор бўлишни ҳам, хор бўлишни ҳам инсоннинг ўзи танлайди. Улар бир зolimга хизмат қилиш билан хорликни танладилар ва охирида буни эътироф қилдилар...

Абдулла Орипов бу эътирофининг ёнида муҳолифатнинг режалари билан ҳам қизиққан. Ўзи каби шоир Муҳаммад Солиҳнинг фаолияти ҳақида эшитиб, сукут қилган. Маълумки, сукут розилик аломатидир. Балки мен энди хатоларимни тушундим, энди муҳолифат тарафдориман, демокчи бўлган, аммо тилим тамоман кесилмасин, дея буни айта олмагандир...

Муҳолифат нима истайди саволининг жавоби эса жуда аниқдир. Муҳолифатнинг асосий кучи Ўзбекистон Халқ Ҳаракатидир ва у диктатор Каримов бутун ижтимоий соҳаларда, шунингдек ўз ватанида хор қилган 30 миллионлик ўзбек халқини дунё сахнасида бор қилишни истайди. Яъни, муҳолифат аввало шахсларнинг ҳам, халқимизнинг ҳам эътиқодий, миллий ва ҳуқуқий жиҳатдан тирилишини истайди.

Бу шундай тирилиш ки, унинг шароитида шоирнинг ҳам, чўпоннинг ҳам ўз юртимда эмигрантдан бадтар аҳволдаман, дейишга эҳтиёжи қолмасин. Адолат зулм устидан ғалаба қиладиган бу кунларнинг яқинлиги асло шубҳа қилмаймиз!

Намоз Нормўмин

Ассаломуалайкум!

16 февраль кuni Тошкентда терактлар бўлиб ўтганига 14 йил бўлди. Ўзбекистонда таниқли муҳолифат вакили, наманганлик Аҳмадхон Тўрахонов устидан 1999 йил 24-25 февраль кунлари ўтказилган суддан уч ой ўтгач, у қамоқхонада вафот этди. Шунга ҳам 14 йил бўлаяпти.

22 февралда Обидхон-қори Назарова суйиқасд уюштирилганига бир йил бўлади. 1999 йил 6 март кuni мен «Барибир енгади!» номли мақола ёзган эдим. Унда мен бу икки буюк шахсни тилга олганман ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни айтиб ўтганман. Шу муносабат билан шу мақолани сайтларда чоп этилса ёмон бўлмас эди.

Яқинда Ўзбекистон ҳукумати навбатдаги марта интернетнинг душмани, деб тан олинди. Интернет технологияси бўйича мамлакатимиз Африканинг баъзи мамлакатларидан-да орқада қолиб кетган. Сабаби эса оддий: ҳукуматнинг кўрқуви! Муҳтарам ўқувчи ҳуқуқига ҳавола қилинаётган ушбу мақолани мен 1999 йили ёзган эдим. Назаримда у ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган кўринади. Ҳурмат ила Толиб акаман. 17 февраль, 2013 й.



БАРИБИР ЕНГАДИ!

Менинг япон дўстим Томико Накадзима, биз 60-чи йиллар охирида Москвада ўқиб юрганамизда, менга кизик бир гапни айтган эди. Унинг гапига қараганда Токио университетининг биология факультети биносига кираривришда «Совет биологларининг илмий ишларидан фойдаланманг!» деб ёзиб қўйилган экан.

СССРда кўп йиллар давомида генетика фани тан олинмади. Бу — совет олимлари ёппасига генетика фанига қарши бўлгани учун содир бўлган дегани эмас. Аксинча, совет олимлари ичида бу фанга катта ҳисса қўшган олимлар оз бўлмаган. Бу нарса коммунистик совет системаси, тузуми, сиёсатининг маҳсули бўлиб, ўша даврда генетика соҳасида иш олиб борган олимларни таъкиб қилинганлиги ҳоллари кам эмас эди.

Натижада СССР биологиянинг улкан бир соҳасида жаҳон мавқеидан 20-30 йил орқада қолиб кетган.

40-50 йилларда АҚШ ва бошқа бир қатор мамлакатларда математик мантик (логика) асосида электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тезкорлик билан ишлаб чиқила бошланган бир пайтда СССРда математик мантик «сохта фан» деб эълон қилинган эди. 30-50-чи йилларда совет олимлари В.И.Шестаков, А.Н.Колмогоров, П.С.Новиков, С.А.Яновская ва бошқалар математик мантикнинг кўп соҳаларида фундаментал ишлар қилишган. Математик мантикни «сохта фан» деб совет тоталитар системасининг қорчалонлари эълон қилишган, ва натижада ЭҲМ ва унга боғлиқ бўлган кўпгина бошқа соҳаларда СССР умумий ривожланишдан анча орқада қолиб кетди.

Яқин-яқинларгача совет медицинаси халқ табобатини тан олмас эди. Бу соҳани чуқур билган кўплаб инсонлар совет тузумининг қурбони бўлдилар. 1964 йили пахта териш кампанияси даврида Тошкент давлат педагогика институти Пахтаорол районида (ҳозир Қозоғистон Республикаси таркибида) чиққан эди. Мен бошқарган студентлар бригадаси маҳаллий теримчилар билан ёнма-ён пахта теришганда уларнинг ҳисобчиси (исми ва фамилияси эсимда йўқ) билан танишиб қолдим.

Кўринишдан жуда оддий ва содда бу инсон менинг кўз олдимда район касалхонаси врачлари даволай олмаган, оғриқ зўридан тинимсиз бақириб ётган бир грек йигитни (аварияда унинг икки оёғининг қуймич суяклари чиқиб кетган, врачлар уни операция қилмоқчи бўлишган) ярим соатда оёққа турғизиб, ўз оёғи билан юриб кетишига сабабчи бўлди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу йигит нафақат Пахтаорол, балки бошқа районлардан суяги синган ва чиккан ҳолда келган юзлаб одамларга тиббий ёрдам кўрсатар экан. Мен ундан: «Сизни касалхонага ишга таклиф этишмадимми?» деб сўраганимда, у чуқур афсус билан: «Таклиф қилишган, фақат фаррошликка таклиф қилишган. Лекин менинг куним кўпроқ милицияхонада ўтади, сен таъқиқланган иш билан шуғулланасан деб қамаб қўйишади» деб жавоб берди.

Мен билан бирга ўқиган талантили бир йигит Тошкентдаги олий ўқув юрғларидан бирида дарс берар эди. 70-чи йилларда видеомагнитофон энди пайдо бўла бошлаган пайтларда унинг туғилган кунини нишонлашда қатнашгани келган дўстлари ва қариндош-уруғларига қўйиб бериш учун бир танишининг видеомагнитофонини олиб келади. Бу йигит билан бир подьездда КГБ нинг бир ходими яшаган ва у қўшниси видеомагнитофон олиб келганини сезиб қолган. Одамлар жамул-жам бўлиб видеомагнитофон кўриб ўтиришганида бир гуруҳ милиция ходимлари бостириб кириб, видеомагнитофонни ва уй эгасини олиб кетишди. Натижада видеомагнитофон мусодара қилинган, менинг курсдошим эса институтдан ишдан ҳайдалиб кетди.

Вақтлар ўтди. Генетика, математикантик, халқ табобати, видеомагнитофон ва совет даврида тақиқланган кўпгина нарсалар инсоният таракқиётида нақадар муҳим роль ўйнашини одамлар тушунди. Ҳозир видеомагнитофон кўплаб хонадонлардан жой олган, дўконларда харидорни кутиб қалашибди ётишибди. Математикантик қонунилари асосида ишлайдиган компьютерлар орқали инсонлар дунёнинг исталган нуқтаси билан боғланмоқдалар, информация узатиб, информация олмоқдалар. Ҳақиқий таракқиётни ўйлаган ҳукумат фан, техника ютуқларини инкор этмасдан, ундан кенг халқ оммаси имкон қадар кўпроқ фойдаланишига йўл очиши лозим.

Ўзбекистон ҳукумат доираларида ҳозирги замон техникаси ютуқларига муносабат қандай?

Март ойининг бошларида мен Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти (ЎИХЖ) нинг бир ҳужжатини Ўзбекистон Прокуратурасига факс орқали жўнатиш учун телефон қилдим. Бутун дунёда «факсингизни улаб юборинг, мен Сизга ҳужжат жўнатмоқчиман» дейилса, «Сиз кимсиз, қанақа ҳужжат жўнатмоқчисиз?» деган савол бермаслик қоида тусига кирган. Менинг кўнғирогимга майин овозли бир рус аёл жавоб берди. Менинг «факсингизни улаб юборинг, илтимос» деганимга ҳалиги аёл: «Сиз кимсиз, нима жўнатмоқчисиз?» деб сўраб қолди. Мен ташкилот номини айтдим. Аёл яна сўради: «Сиз Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари Миллий марказидансизми?». Мен яна ташкилотимизнинг номини такрорладим. Аёл: «Ҳужжатингизни пошта орқали жўнатсангиз яхши эмасми?»

БАРИБИР ЕНГАДИ!

деб эътироз билдирди. Мен жавобан: «Ҳозирги замон техникаси ютуқларидан фойдаланиш яхши эмасми?» деб айтганимда, у ички қаршилиқ сезилиб турган ҳолда чуқур хурсинди ва факсни улади.

1998 йил 3 сентябрь куни Жиззах вилоятидаги Бўстон шаҳарчасида истиқомат қилувчи, ЎИХЖ аъзоси Муйдинжон Қурбонов кўчада кетаётган пайтда хибсга олинган. У Тошкентга Республика ИИБ подвалига олиб келиниб, у ерда 15 кун қийноққа солинган. Рус миллатига мансуб икки ходим ундан икки одам ҳақида маълумот олишга ҳаракат қилишган. Уларни қизиқтирган одамлар таниқли ислом олими Обидхон қори Назаров ва мен бўлганман. ИИБ ходимлари Муйдинжонга:

- Сен Толиб Ёқубовга ишонма, у яқинда қамалади, у яширин иш олиб борапти — дейишган.

«Толиб Ёқубов яширин иш олиб борапти» деганда улар нимани назарда тутганлар? 1997 йили АҚШ ҳукумати Ўзбекистоннинг икки ҳукумат ташкилоти ва икки жамоат ташкилотига (шу жумладан ЎИХЖ га ҳам) техник грант, яъни иккитадан кучли компьютер, факс аппарати, лазерли принтерлар ва бошқа асбоб-ускуналар совға қилди. Бу компьютерлар ИНТЕРНЕТ системасига уланган. ЎИХЖ ўзининг барча ҳужжатларини факс, электрон почта ёки Интернет орқали давлат идораларига, халқро ташкилотларга, элчихоналарга, Информацион агентликларга, халқро радио ва ОАВ га таркатади. Бошқача айтганда, ЎИХЖ бутун дунёдагидек замонавий техник ютуқлардан фойдаланади.

Одамларни яширин подвалларда инсон ақли қабул қила олмайдиган қийноқларга солаётган ИИБнинг шов-возлари эса бизнинг ана шу фаолиятимизни «яширин иш олиб боришяпти» деб баҳолашибди. Менинг уйимдаги телефон 1982 йилдан бери маълум органлар томонидан эшитилади ва сўзлашувлар лентага ёзиб олинади. Мен бу ҳақда ИИБ вазири жаноб З.Алматовга мурожаат қилганман, бироқ жавоб ололмаганман. Биз фаолиятимизни ҳеч кимдан яширмаймиз. Аксинча, фаолиятимиздан имкон қадар кўпроқ одамлар ва ташкилотлар хабардор бўлиши тарафдоримиз.

Демократия бўлмаган шароитда ҳукуматнинг барча бўғинларида инсон эркинлиги билан боғлиқ бўлган ҳар қандай нарсдан чўчишади, ҳадиксирашади. Инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари уларни қўрқитади, саросимага солади. Бундай жамиятларда инсон ҳаётини енгиллаштириш эмас, аксинча, оғирлаштиришга ҳаракат қилишади. Ҳатто техник янгилик ҳам амалдорларни ўйлантиради. Ўзбекистон газеталарининг бирортасида редакция факси номери ёки электрон почта адреси ёзилмаслиги бунга яққол мисол.

Совет ҳукумати ҳатто видеомагнитофонни халқ орасида тарқалишига тўсқинлик қилиб нима ютди?

Эртами-кечми таъқиқланган барча нарсалар юзага чиқди-ку! Прогрессив нарсаларга тўсик қўйган ҳукуматнинг ўзи тарихда янгиликни, эркинликни буғувчи ҳукумат сифатида қолди ва уни келажак авлод узок йиллар тоталитар ҳукумат сифатида эслаб юради.

Тоталитар ва авторитар ҳукуматлар халқ орасида моддий соҳадаги ютуқларни чегаралаб қолмай, балки маънавий соҳада ҳам тўсиклар қўяди. Улар биринчи навбатда демократик эркинликлар олдига тўсиклар қўйишади ва буни «халқ демократияга тайёр эмас» деб тушунтиришади. Бироқ ҳар қандай прогрессив эркинлик унинг олдига ҳар қанча тўсиклар қўйилмасин, барибир, ўзига йўл топаверади. Бу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаган ҳукумат тарихнинг қора бўёғи остида қолиб кетаверади.

Юқорида келтирилганларни қандай умумлаштиради бўлади? Зўравонликка асосланган системалар доимо ҲАҚҚОНИЙ ИНФОРМАЦИЯдан қўрқадилар, чунки айнан ҳаққоний информация зўравонликнинг ҳақиқий моҳиятини, башарасини очиб ташлайди, уни фош қилади. Шу сабабли ҳам оддий видеомагнитофон ёки қисқа тўлқинли радиопримниклар совет ҳукуматини қўрқувга солган. Шу сабабли энг буюк фанлардан бири бўлган математикантик (математическая логика) «сохта фан» деб эълон қилинган. Шу сабабли бизнинг компьютерларимизнинг ишлаб туришини ҳукумат одамлари «Толиб Ёқубов яширин иш олиб бормоқда» деб баҳолашмоқда.

Баъзан:

- Муҳтарам жаноблар! Совет ҳукуматининг ҳатоларини сиз ҳам такрорламанг, сизни келажак авлод ҳақиқий демократик ҳукумат сифатида узок даврлар ёдга олиши учун тўсик қўйиш йўлини эмас, балки ҳақиқий эркинлик йўлини танланг! - деб ҳайқиринг келади.

Наманганда халқ фидойиси АҲМАДХОН ТўРАҲОНОВ ҳукумат одами қатнашган бир мажлисда:

- Махалламизда газ, сув, электр муаммолари ҳал этилмаган, кўчаларимиз тиззагача лой ва сувга тўла, асфальт қилиниши керак! — деб эхтирос билан гапиргани учун (буни барча гувоҳлар тан олишди) Ўзбекистон “одил” суди (судья — Латифхон Жўрабоев) бундан икки кун олдин уни 5,5 йилга қамади. Демак Ўзбекистонда ҳайқириб ҳам бўлмас экан.

Нима қилиш керак? Аҳмадхон Тўрахонов каби кўксингиз аламга тўлиб ҳаққингизни талаб қилсангиз — қамашса, ватандан юрсангиз — ишдан ҳайдашса, орангиздан баъзи кимсалар кучуқдай эргашиб юрса, компьютерда ишлаганингизни яширин иш олиб бора-япти дейишса, ватандан чиқиб кетишга мажбур бўлсангиз — ватангадо деб таҳқирласалар, нима қилиш керак?

Тушқунликка тушмасликнинг битта йўли бор: ҲАҚИҚАТ ва ЭРКИНЛИК барибир енгиллигига тўлиқ ИШОНИШ. Бошқа йўл йўк!

Ўзини Ўзбекистон “Бирлик” халқ ҳаракати партияси деб атайдиган гуруҳ Ўзбекистонда бу партиянинг расмий рўйхатдан ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадни кўзлаганлиги айтилаётган, harakat.net саҳифасида эълон қилинган (harakat.net) хабарга ишониладиган бўлса, партия раисининг ташқи алоқалар бўйича ўринбосари Пўлат Охун швед парламенти депутатлари билан 18 ва 19 февраль кунларида ўтказган учрашувларида айти мавзунини кўтарган.

“БИРЛИК”НИНГ ШВЕЦИЯДА ФАОЛЛИГИ, ЁКИ КОСА ТАГИДАГИ НИМКОСА

Ўзбекистон диктатор Ислон Каримов ҳукуматининг олиб бораётган қаттол сиёсати остида қолиб келаётганлиги ва режим бирор ислохатларга йўл очмаётганини назардан четда қолдирмайдиган бўлсак, “Бирлик” партияси раисининг ташқи алоқалар бўйича ўринбосарининг бу “фаоллиги” беҳуда эканлигини англаб етиш қийин эмас. Лекин косанинг тагида нимкосаси бор, яъни шунчалар ҳам “беҳуда” эмас!

Ўзбекистон ва Швеция орасида бирор илик муносабат бўла олмаслигини Швеция матбуоти ва Оммавий ахборот воситаларини кузатган ҳар қандай одам пайқайди қолмайди. Чунончи, TeliaSonera мобил телефон алоқалари компанияси диктаторнинг тўнғич қизига йирик миқдорда пора бергани ортидан кўтарилган шов-шув Ўзбекистонда ҳаттоки текширилмади ҳам. Сабаби оддий: бу мамлакатда қонунлар ишламайди, ишлаганида ҳам “хашақирок” одамлар учун ишлайди, шунда ҳам уларни айбдор қилишга зарурат туғилиб қолса.

Негадир Пўлат Охун Riksdag депутатлари билан учрашаркан, TeliaSonera билан боғлиқ масалага тўхталиб ҳам ўтмабди. Балки тўхталган бўлса ҳам, аммо бу мавзу “Бирлик” учун исталмаган мавзу бўлсачи? Бу борада аниқ бир тўхтамга қелишимиз қийин эканлигига ҳам алоҳида урғу беришимизга тўғри келади.

“Парламент ва вазирликдаги учрашувларда Ўзбекистоннинг Швеция ва Европа Иттифоқи билан муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва уларнинг келажагига оид масалалар муҳокама қилинди. Пўлат Охун Швеция расмийларига Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг ўта сустиги, Ўзбекистон ҳали ҳам халқроқ ҳуқуқ ҳимоячиси ташкилотлари тарафидан инсон ҳуқуқлари оммавий равишда топталувчи 10 та энг ёмон мамлакат рўйхатида эканлиги, 20 мингдан кўпроқ аъзоси бўлган “Бирлик” Партияси керакли ҳамма ҳужжатларни тайёрлаб Адлия вазирлигига топширган бўлса ҳам, йиллардан бери вазирлик Ўзбекистон қонунларини бузиб, ҳалигача партияни рўйхатдан ўтказмаётгани ҳақида гапирди”, — деб ёзади harakat.net.

Асалнинг ҳам ози ширин дейдилар.

Ёлғон ҳам озроқ бўлса ширинроқ бўларди. Биринчидан, бу “муҳолиф партиянинг” Ўзбекистонда 20 минг эмас, 20 аъзоси ҳам қолмаган. Бугунги кунда “Бирлик” аъзоларини номма ном келтириш ва бармоқда санаши мумкин. Бирликчиларнинг аксар қисми Абдурахим Пўлатов томонидан “ҳаромийга” айлантирганини интернетни кузатиб борадиган ҳар бир ўзбек билади. Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари оммавий топталадиган 10 мамлакатнинг бири бўлган Ўзбекистонда муҳолиф партия-



“Кулоқ” эса шунчаки, ўз сафдошларининг хизматида бўлган.

Манбанинг билдириб ўтганига кўра, “кулоқ” “Замондош” сайти муҳаррири Ризо Обид ва “Янги дунё” сайти муҳаррири Юсуф Расуловлар билан ҳам яқин алоқада бўлган. Тагин швед махсус хизматларини Ўзбекистонлик “ҳуқуқбон” Марат Зоҳидовнинг Швецияга қилган ташрифлари ҳам қизиқтириб қолганлигини айтади ЎХХ га маълумот берган манба.

“Ҳозирги бораётган текширувлар ортидан у (кулоқ) мамлакатни тарк этишга улгурди, бироқ унинг ҳозир Тошкентда эканлигидан гумон қилаяпман”, — дейди ЎХХ га маълумот берган манба. Манбанинг айтишича, “кулоқ”ни Тошкентда кўрганлар ҳам бўлишган ва бу ҳақида манбани огоҳ этишган. Шундай бўлсада, “кулоқ”нинг Ўзбекистонда эканлигини тасдиқловчи аниқ маълумот йўқ.

Мақоламизда “кулоқнинг” номи келтиришга журват топмадик. Бу ваъдага хилоф ҳаракат қилмаслигимиз учун, лекин азиз ўқувчининг ўзи гап ким ҳақида бораётганлигини англаб турганлигига ишончимиз қомил.

“Бир тиррик эчки бутун подани булғайди” дейишади. “Кулоқ” тиррик қилиб Ўзбекистон МХХ сининг бутун подасини булғаб кетганга ўхшайди ва ҳозирда уларнинг ортидан кузатув ва текширувлар бошланган. Ажаб эмас, TeliaSonera нинг қизиги босилиб улгурмай, ўзбекистонлик айғоқчилар мавзусида ҳам бир катта шов-шув чиқиб қолса.

Масалан, уларнинг бир ресторанда одамларни ишлатиб, ойлигини бермай судланганлари, боз устига ресторани ёқиб юборганлари ва ҳақозо, ҳақозолар атрофига тахлиллар, фош этишлар ҳам ёритила бошланса ажабланмаслик керак. Аммо бундай материаллар ёритилади деб қатъий айта олмаймиз.

“Бирлик” Швецияда бунақа фаоллик кўрсатаётгани остида бошқа муаммо турибди, буни ким билади, ким билмайди. Шундай қилиб, Пўлат Охун Швеция ва ЕИ да учрашувлар ўтказиб юрибди.

Тўлқин Қораев,
Швеция

нинг 20 мингдан ортик аъзоси бўлиши эса мутлоқ ҳақиқатга тўғри келмайди. Партиянинг шунча аъзоси бор экан, демак Ўзбекистон 10 та энг ёмон мамлакат рўйхатига англашилмовчилик билан кириб қолган. Ўзбекистонда бўлмаган ва уни яқиндан билмаган ҳар қандай ўқувчи бу хабарга кўз югуртираркан, “демак аҳвол бу қадар аянчлик эмас” деган хулосага қелиши мумкин.

Нега Пўлат Охун Швеция ва ЕИ да бунақа учрашувлар ўтказиб юрибди? Ҳар ким ҳар ҳаёлга бориши мумкин, лекин асл воқеълик эса бутунлай бошқа жойда. Швеция махсус хизмати (Säkerhetspolisen) ўзбекистонлик таниқлик имом Обид қори Назаровга нисбатан 2012 йилнинг 22 февраль кунинда уюштирилган суиқасд ортидан ўзбекистонлик қочқинларга қаттиқроқ эътибор қаратаёпти. Айни вақтларда улар мамлакат ичкарасида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон МХХ (Миллий Хавфсизлик Хизмати) “доносчиларини” излашмоқда. Шундайлардан бири фош бўлиб қолиши ортидан, ҳозирда Швеция худудларини тарк этгани ҳам айтилмоқда.

Бу воқеъликдан хабардор бўлган манбалардан бири ўз исмини ошқор қилмаслик шарти билан ЎХХ (Ўзбекистон Халқ Ҳаракати) га суҳбат бераркан, МХХ нинг Швецияни тарк этган “кулоғи” номини ҳам сир сақлашимизни илтимос қилди. Фош бўлган агентнинг компьютери ва бошқа электрон маълумотлар сақлаш мосламалари айни пайтда ўрганилмоқда.

“Айни мана шу “кулоқ” билан апоқчапоқ бўлган Пўлат Охуннинг ҳам паатагига қурт тушиб қолди ва эндиликда Швеция парламенти депутатлари билан учрашувлар ўтказиб юрибди у”. — дея ўз мантигини билдирди ўз номини ошқор қилишни истамаган манба.

Пўлат Охун нима айб қилиб қўйганди? Унинг атрофида бораётган тахлилларнинг бош сабаби эса, 2010 йилда ўзбек “муҳофатининг” тўрт вакили (Самад Мурод бошчилигидаги гуруҳ) Швецияга ташриф буюргани билан боғлиқ. Ҳозирча швед махсус хизматлари бу учрашувларни “кулоқ” ташкил этган деган гумонда, аммо аслида эса уни Пўлат Охун ташкиллаштирганди.

ИСТАНБУЛДА ОБИД ҚОРИГА СУИҚАСД ҚИЛИНГЕНИГА ҚАРШИ ПИКЕТ

Кеча Истанбулда, дунёнинг кўпгина шаҳарларда бўлгани каби, таниқли ўзбек уламоларидан бири Обид кори Назаровга 2012 йил 22 февралда суиқасд қилинганлигига норозилик билдириш мақсадида Туркиядаги “Мазлумдар” уюшмаси ва ўзбек диаспорасининг вакиллари иштирокида пикет бўлиб ўтди. Пикетдан мақсад — бу суиқасдни амалга оширганларни адолатли маҳкамаларда жиноий жавобгарликка тортиш, ушбу суиқасдни ташкил қилишда гумон қилинаётган Ўзбекистондаги Ислон Каримов дикта-

турасининг жиноятларига мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигининг эътиборини қарашидан иборат эди.

Пикетда унга иштирок этганларнинг номида матбуот баённомаси ўқиб эшиттирилди, ушбу қабих суиқасдни амалга оширган жиноятчиларнинг маҳкаммага тортилиши талаб қилинди.

Пикетда ўқиб эшиттирилган матбуот баённомасининг бир нусхаси Истанбулдаги Швеция консуллигининг вакилига топширилди.

ЎХХ Хабар Маркази



Ўйлаб кўринг, Аппле (Apple)нинг 137 миллиард доллар нақд пули бор.

Кимнинг ақли кўп?

Бир томонда, технология ва янги кашфиётларни ташфиқ қилиш учун бир миллиард долларга муҳтож давлат бор.

Бошқа томонда эса, технология ва янги кашфиётларни бозорда сотиб, буларни фойдага айлантирган ширкат бор.

Давлатми ёки бу ширкатми қучли?

Табииyki давлат жуда ҳам кучлидир, аммо баъзи давлатлар ҳамма давлатлардан кучлидир...

Фақат бу давлатнинг барчадан ва барча ташкилотлардан ақлларроқ эканлигини билдирмайди.

Вақти вақти билан аниқ мақсадга эга бўлган сиёсатчилар майдонга чиқадилар ва ўз давлатларининг ақлини ўзлари яшаётган даврга мослаштириб, тараққий қилдирадилар.

Таржимондан: Давлат нима ўзи, деган саволга дабдурустдан жавоб бериш осон эмас. Чунки давлат номи оддий, моҳияти эса ниҳоятда мураккаб ташкилотдир. Бу ерда давлатнинг моҳиятини ҳақида чуқур мулоҳазаларни бир четга қўйиб, давлат ҳақида бир мақолада айтилганларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Балки бу мақолани ўқиб, давлат ҳақидаги фикрларингиз биров бўлсада ойдинлашар. Бу мақола бугунги Туркия давлати ва унинг “ақли” ҳақидадир...

Н.Н

Дунёнинг ҳар ўлкасида “Давлатдан” катта куч йўқдир.

Ўлдириш ҳам давлатнинг салоҳиятлари орасидадир.

Урушни ҳам, тинчликни ҳам давлатлар амалга оширадилар...

Давлат пул босиши мумкин, шахсларнинг ҳуқуқларини баъзан кенгайтириб, баъзан йўқ қилиши мумкин. Буларнинг барчаси маълум назарий ҳақиқатлардир.

Аммо бир амалий (практик) ҳақиқатлар ҳам бор.

АҚШ Президенти Обама “Бирлик Нутқи”ни сўзларкан ва тараққийт технологияси билан янги кашфиётларни ташфиқ мақсадида бир ташкилот тузиш учун бир миллиард долларни Конгрессдан сўрашини айтар экан, уни тинглаётганлар орасида Аппле (Apple) ширкатининг раҳбари Тим Куук (Tim Cook)да бор эди.

ДАВЛАТНИНГ КУЧИ ДАВЛАТНИНГ АҚЛИГА ТЕНГДИР

Дунё иқтисодида айланаётган пулларнинг миқдори кишининг бошини айлантириб қўядиган даражададир.

Масалан, помидордан “Ketchup” тайёрлаб, шишаларда сотадиган “Heinz” ширкатини сотиб олиш учун Варрен Буффетт (Warren Buffett) 28 миллиард доллар таклиф қилибди.

28 миллиард доллар... «Heinz» бир кунда 1,5 миллион қути фасулия (лўвия) консервалари сотар экан.

«Ketchup» номи билан машҳур помидор томати йилда 1,5 миллиард доллар даромад келтирар экан.

Уруш ва тинчлик

Буларнинг барчаси ҳайратли рақамлардир.

Ўйлаб кўринг, дунёда қуролланиш ва ҳарбий харажатлар учун ҳафтада 30 миллиард доллар пул сарфланар экан.

Иқтисодий жиҳатдан Apple ни қўйингда, Heinz дан ҳам заиф бўлган Шимолий Корея атом бомбасига эга бўлиш учун ким билади неча миллиардлаб доллар сарфламоқда..

Таълимга ва ижтимоий хавфсизликка пул сўраб АҚШ Конгрессига ёлвораётган Обама ҳукумати, Афғонистон ва Ироқдаги урушларга 500 миллиард доллар ишлатибди.

Ақли даврга мослаштириш Агар бу давлат иқтисодда бўлгани каби, ҳуқуқда, инсон ҳақларида, демократия ва тинчлик масаласида ҳам даврдан ўзишга муваффақ бўлса, у ҳолда шахслар ҳам, ширкатлар ҳам давлатнинг кучини ва устунлигини юракларидан хис қиладилар.

Аммо давлат фақат ҳарбий кучи билан ўз устунлигини исботлашга уринадиган бўлса, иш тараққий қилмай қолаверади.

Натижада бутун танқидларга қарамай, Apple жиҳозлари Хитойда ишлаб чиқарилмаяптми?

Туркия ҳам бугун давлат ақлини бугунги даврга мослаштириш жараёнида турибди...

Иқтисоддаги ақлланиш ички тинчлик, ҳуқуқнинг устунлиги ва инсон ҳуқуқларининг асосий қадриятлар бўлишига олиб келадиган бўлса, у ҳолда давлатнинг кучи ҳаммамизнинг кафолати бўлади.

Имроли жараёни (яъни, Эрдўғон ҳукуматининг қурд исёнчилари билан музокара жараёни. НН) бу йўлдаги энг муҳим қадамдир.

Мехмат Барлос (Mehmet Barlas)

Манба: sabah.com.tr
Таржимон: Намоз Нормўмин



«ЭРК» РАҲБАРИ МУҲАММАД СОЛИҲ БРИТАНИЯДА

ВВС. Ўзбекистоннинг муҳолифатдаги “Эрк” демократик партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳ Британияга келган.

“Эрк” раҳбари Лондонда Марказий Осиё бўйича мутахассислар ва Британия парламентининг вакиллари билан учрашади.

Муҳаммад Солиҳ Британияда Қироллик Ташки Алоқалар институти ва ё Chatham House таклифи билан келган. “Эрк” раҳбари Chatham Houseда Ўзбекистондаги иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар истиқболлари ҳақида маъруза қилди. Муҳаммад Солиҳ мазкур сафари билан Ўзбекистондаги демократик кучларга кўпроқ дастак олиш ниятида эканлигини айтади.

Муҳаммад Солиҳ Британияга келган илк ўзбек муҳолифати раҳбаридир.

Муҳаммад Солиҳ 1991 йилда Ўзбекистондаги президентлик сайловларида Ислон Каримовга ягона муқобил номзод бўлган эди. 1993 йилдан бери муҳожириликда яшаётган Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1999 йилги Тошкент портлашларига алоқадорлик ва террорчиликда айбланган.

Андижон воқеаларидан кейин Ғарб ва Ўзбекистон муносабатлари совуқлашар экан, Ғарб, хусусан, Британия Ўзбекистон муҳолифати билан муқобил мулоқотларни бошламоқдами?

Ана шу савол билан Би-би-си Британиядаги Либерал-демократлар партиясидан парламент аъзоси Лембит Опиқга мурожаат қилди.

Лембит Опиқ: - Менимча, биз демократик принциплар мамлакат ташқарисидан эмас, балки ичкари-сидан келишини эътироф этишимиз керак бу ўринда... Худди шу нуқтаи назардан, мен британиялик сиёсатчиларнинг Ўзбекистонда демократия истаётганлар билан мулоқотда

бўлишини табиий қабул қиламан. Аммо менинг назаримда, дейлик, Ўзбекистонда инқилоб уюштиришга ҳомийлик ғоясини қабул қилиб бўлмайди. Менимча, муҳими бу каби мулоқотларда чуқурлашиб кетмасликдир.

Муҳаммад Солиҳ масаласига келсак, масаланинг бир томони унга нисбатан муносабатлар билан ҳам боғлиқ... Ўзбекистон ҳукумати орасида уни “террорчи” деб танийдиганлар бор. Сиёсат тарихида зотан бу ҳам нормал бир ҳолатдир... Кимдир ким учун озодлик курашчиси ва бошқа бир ким учун террорчи... Менимча, Буюк Британия учун ким яхши-ю ким ёмон, деб қарор бериш жуда хатарнок бир иш бўларди. Аммо токи, Британия муносабатларни яхшилаш ва қолаверса, демократия равнақи учун ҳаракат қилишни истар экан, бунинг йўлларида бири шахслар билан мулоқотда бўлиш ва улар билан бирга ишлаш, деб биламан. Умид қиламанки, мулоқот Ўзбекистон ҳукумати таркибидаги шахслар билан ҳам олиб борилади, аммо тушунаман, бу жуда мушкул вазифадир...

Би-би-си: - Аммо Муҳаммад Солиҳ Британияга сафар қилмоқда ва айтиб ўтганингиздай, у Ўзбекистон ҳукумати томонидан террорчиликда айбланади... Шунда ҳам унинг Британияда бўлиши Муҳаммад Солиҳни яна ўзингиз айтганингиздай, “яхши одам”га айлантириб қўймайдими?

Лембит Опиқ: - Менимча, Британияда айримлар Муҳаммад Солиҳни Ўзбекистондаги сиёсий бир қарашларнинг муҳим бир вакили, деб танишади. Аммо бу дегани биз фақат Муҳаммад Солиҳнинг фикрларига кулоқ тутамиз, дегани бўлмаслиги керак. Британия Ўзбекистондаги барча гуруҳлар билан мулоқот қилмоғи мақсадга мувофиқ бўларди.

Би-би-си: - Муҳаммад Солиҳ, ўн йилдан ортиқ муҳожириликда яшаб, Ўзбекистонда демократик ислохотларга чақириб келаяпти, унинг бугунги сиёсий салоҳиятини қандай баҳолаган бўлардингиз?

Лембит Опиқ: - Албатта, айримлар Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистонда демократия яратади, деб ўйлашади. Аммо муҳожиротнинг узок йиллари давомида Муҳаммад Солиҳнинг мамлакатдаги кучлар билан алоқалари аввалгидай жиддий ва мустақкам бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам мен Британия Ўзбекистонда

демократик ўзгаришлар тарафдорлари билан ўта эҳтиёткорлик билан муносабат қилиши тарафдориман. Буюк Британия бошқа мамлакатларда сиёсий тузумларни ислох қилмаслиги керак, аммо Британия соғлом мубоҳасалар учун замин яратиши ва масалан, турли сиёсий қарашдагилар билан Британияда соғлом мунозара ва мулоқотлар уюштириши мумкин. (19.01.2006)

«ЭРК» РАҲБАРИНИНГ ЛОНДОН УЧРАШУВЛАРИ

Лондонга Британия Қироллик Ташки Алоқалар институти - Chatham House таклифи билан келган «Эрк» партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳ дастлаб шу институтда маъруза қилди. Шундан сўнг Британия ташқи ишлар вазирлиги, бизнес ва матбуот доиралари вакиллари ва Марказий Осиё бўйича мутахассислар билан давра суҳбати уюштирилди.

Chatham House жаҳоннинг етакчи стратегик тадқиқот марказларидан ҳисобланади. Марказий Осиё эса Chatham House тадқиқот соҳаларидан бири.

«Эрк» партияси раҳбари маърузасида асосий эътибор, Ўзбекистонда Андижон ҳодисаларидан сўнг вужудга келган вазият ва партиянинг мамлакат келажаги борасидаги қарашларини изҳор этишга қаратилди.

Маърузадан кейинги саволлар Ўзбекистон-Британия ва Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ҳақида, Андижон ҳодисаларидан сўнг ташқи дунёнинг Ўзбекистонга муносабати ўзгаргани ёки йўқлиги ҳақида бўлди.

Шуниси аниқки, Америка ва Буюк Британия ҳукуматлари ҳозирда Ўзбекистондаги муҳолиф гуруҳлар овозларига фаолроқ кулоқ тута бошлади ва Муҳаммад Солиҳнинг Лондонга сафари ана шу ўзгариш белгисидир.

Жаноб Солиҳнинг йиғилганларга қарата айтишича, халқаро ҳамжамият Президент Каримовнинг сиёсати қабул қилиб бўлинмас эканлигини кўрсатиб қўйиш учун кўплаб ишларни амалга ошириши мумкин, лекин мамлакатдаги ўзгаришлар барибир ичкаридан амалга оширилиши керак.

Муҳаммад Солиҳга кўра, Ўзбекистон ҳукумати ўз легитимлигини йўқотган ва ҳукумат билан халқ орасида зиддият кучайиб бормоқда. (20.01.2006)

НЕВРОЛОГИК ВА РУҲИЙ КАСАЛЛИКЛАР

Бош оғриғи давоси

Биринчи ёрдам. Бош оғриғи бошланган пайтда илиқ сув билан зайтун ёғи аралаштириб ичиб қусиш, клизма қилиш, совуқка яқин илиқ сувда чўмилиш, кейин сув билан аралашган лимон суви ёки грейфрут суви ичиш, ёки жамбул билан дамланган кўк чой, ёки ялпиз чойи ичиш керак.

Бу амалиётда бош оғриғи кетади. Кетмаса, 3-5 литр иссиқ сув ва 20-30 гр туйилган хантал уруғи аралаштирилиб, оёққа ванна қилинади. Хантал уруғи топилмаса, тош тузи ишлатилади ёки оёқ ости массаж қилинади.

Бош оғриғи пайтида касалларнинг бурун қонашлари, ҳайз ва геморой қонашига

Аллоҳнинг раҳмати сифатида қараш ва қонашни тўхтатмаслик керак. (“Қон олдириш” бўлимига қаранг.)

Ҳар қандай бош оғриғида, хусусан иссиқ чиқиши ва сийдик йўлидан келган ва тўхтамай давом этган бош оғриқларида энса чуқури остига 11 дона зулук қўйилади. Зулуклар тушганидан кейин тишланган жойларга банка қўйилади.

Зулук топилмаса ёки мавсуми бўлмаса, елкалардан хожамот қилади.

Хожамот имкони ҳам бўлмаса, банка қўйилади: 6 дона 150 гр.лик банка хастанинг яғринига, бир дона кура-

рлар орасига, бир донадан болдирлар орқасига қўйилади (жами 9та) ва 15-20 дақиқа кутилади.

Бу хасталардаги бурун қонаши, бавосил қонаши ва ҳайз қонашини Аллоҳнинг раҳмати дея қўриш ва уни тўхтатишга уринмаслик лозим. (“Хожамот” бўлимига қаранг.)

Юқорида айтилган муолажа сўнгида бош оғриғи ўтади, фақат тамоман кетказиш учун бош оғриғига сабаб бўлган касалликнинг асосий давосини тамомлаш керак.

Бундан кейин:

“Вужудни тозалаш” бўлимига қараб, керакли тозаланишлар қилинади. Бу тозаланишлар билан бирга ҳар душанба 36 соатлик очлик қилинади. Ҳар пайшанба, таом емасдан мева ёки сабзавот суви ичилади.

Ошқозон ва ичакларнинг давоси билан бирга қон олдириш бошланади ва ҳар очлик куни куйидаги жойлардан хожамот қилади:

1. Бўйин ва елкалар. 2. Бош. 3. Қураклар ораси ва ости. 4. Бел ва думғаз. 5. Тиззалар. 6. Яна бош. 7. Яна бел ва думғаз.

Хожамотлардан 2 хафта кейин анусга, 2 хафта кейин кулоқ орқасига ва чаккаларга 11 донадан зулук қўйилади.

Илк 3 очлик орасида умумий 2 хафта давомида, очлик кунидан

ташқари ҳар кун куйидаги дорилар ичилади:

60 гр седана + 20 гр қалампирмунчок + 30 гр арпабодийён майдаланади. Ҳар кун бу аралашмадан 1 чой қошиқ, асал шарбати билан ичилади.

Яна:

Райҳон, қуштили (розмарин), лаванда гули, доривор валериана ҳиди ва ялпиз ҳидлаш ёки эзиб чаккага суриш, бош оғриғини колдиришда фойдали.

Ва

2/3 аччиқ қовун суви + 1/3 сув аралашмаси кафтга тўкилади ва бош олдинга эгилган ҳолда, бир марта бурунга чуқур тортилади. (ҳидланади), 2-3 сония ушлаб туриб, ташланади.

2-3 соат кейин қаттиқ бурун оқиши бошланади ва 1-3 кун давом этиши мумкин. Бу жараён сурункали бош оғриғи, синусит, миёдаги томир тикинларини ва тузларни кетказди, кимёвий моддаларнинг тушишини таъминлайди. Қон гуруҳи “А” бўлганлар аччиқ қовун сувини сув аралаштирмасдан ҳам ишлатишлари мумкин. Бундан сўнг 3 кунлик очликни бошлаш керак.

Ёки:

Аччиқ қовун топилмаса, айни шаклда седана ёғи бурунга тортилади

Шундан кейин 17 марта 3 кунлик очлик қилинади.

10 -чи ва 17 -чи очликдан кейин жигар тозаланади.

ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

6 ой - 5 ёш орасидаги болаларда, ҳарорат билан бирга юзага келган хуруж (приступ)ларга конвулсия дейилади. Конвулсия воқеаларининг аксарияти ҳарорат чиқиши натижасида, конвулсия ва кейин ўрта кулоқ яллиғланиши, кулоқ орқасида яра ёки чипкон пайдо бўлиши, ёки бодомсимон безларнинг шишиши шаклида кечади.

Конвулсия, касалликнинг илк 24 соатида кузатилади ва ҳарорат чиққанда касал 2-3 хуруж (приступ) бошдан кечирishi мумкин. Хуруж(приступ)лар оний безовталиқ ёки кўрқув, парашон-хотирлик, ўз ўзидан гапириш, қичқирish ёки қусиш, бошини деворга уриш, қисқа сурагли ҳушдан кетиш каби оддий приступлардан, хотира йўқотиш, қўл ва оёқларда тортишиш, оғиздан кўпик келиши каби мураккаб приступларгача бориши мумкин.

Конвулсия кечирган болаларнинг эпилепси ва бошқа неврологик касалликларга тутилиш хавфи бор. Оддий Конвулсия кечирган касалларда эпилепсия хавфи 1-2%, мураккаб конвулсия кечирганларда эса 8%.

Замонавий тиббиёт ҳарорат чиқишини ва конвулсия олдини олиш учун болаларга қуруқ ва тартибли шаклда ҳарорат туширувчи ишлатишни тавсия қилади. Лекин ҳарорат туширувчиларнинг хуруж олдини олгани кузатилмаган. Хуруж оддий типда бўлса ҳам, ташқаридан кўрқитиб юборади ва оила ваҳима кўтариши мумкин.

Бу ваҳимадан таъсирланган доктор, яхшилаб кўрмай туриб, болага анти-эпилептик ва ҳарорат туширувчи дори (Доимий Антиконтвулзан Профилактикаси) тавсия қилади. Антиэпилептик ва ҳарорат туширувчи билан даволаш камида 2 йил ёки бола 5 ёшга киргунича давом этади.

Аммо профилактика мақсадида ишлатилган антиконвулзан дорилар эпилепсия хавфини кетказма олмайди, фақат приступларнинг такрорланишини камайтиради ва фақат ишлатилган пайти таъсирли бўлади.

Яъни, бу “даво”нинг ҳеч қандай даволовчи хусусияти йўқ.

Даволовчи хусусияти бўлмаган бу дориларнинг зарарини кўриш учун энг кўп ишлатадиган Антиконтвулзан Профилактикаси дориларининг кўшимча таъсирларини кўриб чиқасан:

Фенобарбитал: Даволаш давомида гиперфаолликка, галати ҳатти-ҳаракатларга, идрок қилиш оғирлашуви ва интеллектуал қобилиятларнинг озайишига сабаб бўлади. (IQ да тақрибан 7 балл орқага кетиш бор)

Вальпроик кислота: Хуружнинг такрорланишини олдини олишда таъсирли, лекин панкреазнинг ва қон ишлаб чиқаришнинг бузилишига, ҳалокатли гепатит ёки гломерулонефритга ва болаларда аниқланмаган метаболик касалликларга сабаб бўлиши мумкин.

Хуружларни камайтириш учун

бунчалик оғир бадал тўлашни ҳисобга олмаган кишилар бу борада бир фикр юритишлари керак. Антиконтвулзан Профилактикасининг зарарлари фақатгина бу дориларнинг ён таъсирлари билан чегараланмайди.

Келтирган зарарнинг катталигини билиш учун аввало конвулсияга сабаб бўлган сабабларни билишлари керак.

Фебрил Конвулсияларга олиб борадиган сабаблар:

Она қорнидаги болалар миёдаги ортиқча намни фақат биологик туғиш пайти келгандагина ташқари чиқаришади ва керакли қуруқликни фақат ўшандагина олишади. “Цезар амалиёти» (жарроҳлиги) билан туғилган болалар эса - туғилишга тайёр бўлмаганларидан - миёларидаги ортиқча намни ташқари чиқараолмай, миёлари керакли қуруқликка эришолмасдан, дунёга келишади.

Бундай туғилган боланинг иммунитет тизими миёдаги бузилишни тузатиш ва ортиқча намни қуритиш учун, иссиғи чиқади. Чунки миё энди фақат юқори иссиқлик билан керакли қуруқликка эришади.

Болага ҳар ҳарорат чиққанда иссиқ туширувчи берилса, миёдаги суяклик мувозанатсизлиги кетказилмагани сабабли, ҳарорат чиқиши тўхтамайди ва боланинг периодик иссиғи чиқишида давом этади.

Статистикага кўра, бугун Туркияда ҳар икки боланинг бири “Цезар амалиёти” билан дунёга келмоқда.

(Давоми кейинги саҳифада)

ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“Цезар” жарроҳлигига маҳкум аёллар, биологик туғишнинг амалга ошиши керак бўлган муддатдан 2-3 hafta аввал, режали режали шаклда жарроҳ столига ётқизилмоқда.

Туғиш нормал бўлган бўлса ҳам, туғишни тезлаштириш учун сунъий тўлғоқ килдирилган бўлса, бола мияси туғилишга тайёр ҳолга келмайди. Бу ерда сунъий тўлғоқнинг қачон берилиши муҳим. Сунъий тўлғоқ туғиш бошлангандан олдин берилса, бола мияси тайёр бўлмасдан, яъни ҳарорат чиқиш касаллигига учраб туғилади.

Сунъий тўлғоқ туғишнинг охириги босқичида берилса, боланинг мияси туғилишга тайёр бўлади. (Цезар амалиёти билан туғилиш) ва “Дорилар” бўлимларига қаранг.)

Сунъий тўлғоқ билан туғилиш эса баъзи komplikацияларга, ҳатто цезар амалиётига сабаб бўлиши мумкин.

Сунъий тўлғоқдан кейин, «цезар амалиёти»га олинган аёл вужудида синтетик тўлғоқ умумий наркознинг зарари икки баробар оширади. Бу дорилар, она билан бирга боланинг ҳам миясини бузади; тўқималарда тўпланadi. Аутистик ва гиперфаоллик болаларнинг қатта қисми “цезар амалиёти” болаларидир. (“Гиперактивите” ва “Аутизм” бўлимларига қаранг.)

Бир қанча она у ёки бу сабабли боласини эмиза олмайди. Болаларнинг қатта қисми туғилгандан кейин ёки бир неча hafta сўнг суъний бўтқа (эсмё) билан озиқланишга бошлайди. Тайёр бўтқалар, сут кукуни ва қўшимча моддалардан иборат бўлгани учун боланинг уни ҳазм қилиши иложи йўқ. (“Сут” ва “ГМО” бўлимларига қаранг.) Ҳазм қилинмаган бўтқаларнинг қолдиқлари томирларда бирикиб, тикқинлар (пробкалар) ҳосил қилади.

Она сути билан озиқланган болаларга жуда эрта қўшимча таом берилади. Бу қўшимча озуқаларнинг кенг тарқалгани - чакалоқ бисквитидир.


Чакалоқ бисквити таркиби:

Буғдой уни (албатта, GM буғдойдан қилинган ва қўшимча моддали): GM буғдой охиригача ҳазм қилинмайди, қолдиқлари томирларга ёпишади, тикқинлар чиқаради. Бу тикқинлар эса конвулсия учун замин ҳозирлайди. (“Нон” ва “ГМО” бўлимларига қаранг.)

Ширинлаштирувчилар (фруктоз шарбаги, инулин-олигофруктоз, асал кукуни): Буларнинг барчаси GM маҳсулотлари бўлиб, диабетга сабаб бўлади. (“Диабет” ва “Асал” бўлимларига қаранг.)

Витаминлар (А, С, Д3, Е, В1, В6, В12, ниацин, пантотетик кислота, фолик кислота, биотин). Бу моддалар Рекомбинант ДНК услубида ишлаб чиқарилган ва мутасияларга сабаб бўлгани каби, иммунитетни ҳам заифлатади. (“ГМО” бўлимга қаранг.)

Минерал премикс (кальций, фосфор, цинк, мис, йод, темир, селений):



Мутахассислар инсон танасидаги минерал элементларнинг муҳим вазифа бажаришганини, фақат ортикчалигида токсик таъсирга сабаб бўлганини аниқлашган.

Масалан: Минерал формада олинган мис ва темир ионла-

ри метаболизм унсурлари билан реакцияга киришиб, натижада оксидатив ДНК бузилиши бўлади. Саратон(рак) келиб чиқишида эса, металлларнинг воситачилик қилган оксидатив ДНК бузилиши муҳим рол ўйнайди.

Бундан ташқари, керагидан ортикча темир олингани танада ортикча темир ҳосил қилади. Жигар циррози, қанд касалиги, тана рангининг хираланиши, юракда қаттариш ва бузилиш каби натижалар чиқаради.

Кальций юксалса, мускулларда кучсизлик, буйрақларда тош йиғилиши, суякларда керагидан ортикча оҳак тўпланиши каби ҳолатлар юзага келади.

Ортикча истеъмол қилинган йод тироид безининг ишлашини тўхташи мумкин.

Ортикча селений олинганида соч ва тирноқ тўқилишлари, тери ташлаш ва полиневрит дейилган асаб безовталиги юзага келади.

Бундан ташқари, бу моддаларнинг баъзилари кўпинча нанопарчалар ҳолида бўлади.

Банан кукуни: Унинг, барча қуритилган мевалар каби, ранг сақловчи ва бузилишни олдини олувчи Содиум сульфит (E221) таркибидир. Қилинган тадқиқотларга кўра, содиум сульфит фикрлаш ва ҳогира заифлигига сабаб бўлиши билан бирга мия функцияларига ҳам зарар бераркан.

Тухум: Тайёр таомларда тухум ўрнига тухум кукуни ишлатилади. Тухум кукунига қўшимча қўшилмаса ҳам, сақловчи сифатида содиум сульфит қўшилади.

Бундан ташқари, янги тухум ишлатилса ҳам, бисквитнинг узок туриб қолиши сабабли, тухум “муддати ўтган тухум” синфига киради. Туриб қолган тухум умуман ҳазм бўлмайди. Ҳазм қилинмаган қолдиқлар томирларга ёпишиб, ва томир тортишиши, конвулсиялар ва буйрак касалликларига замин ҳозирлайди. (“Тухум” бўлимга қаранг.)

Ўсимлик ёғи: Туркияда тоза зайтун ёғидан ташқари барча ўсимлик ёғлари рафинланади, гидрогенланади ва уларга - бузилишнинг олдини олиш мақсадида - қўшимча моддалар қўшилади. Гидрогенланган ёғ, ҳазм бўлмасдан, баданда пластмассасимон моддага айланиб, томирларнинг тикилиб қолишига, иссиқлик чиқиши ва

конвулсияларга сабаб бўлади. (“Ёғлар” бўлимига қаранг.)

Туз: Сунъий бўлиш эҳтимоли бор ва албатта қўшимча моддалидир. Таркибида нам тутувчи алюминий гидроксид ёки титандиоксид, потаций йод ва йод стабилизатори-содиум диосульфат бор. (“Вакцинация” бўлимига қаранг.)

Оқартирувчи ва нам тутувчи сифатида ишлатилган титаноидоксид нанопарчалардан иборат. Туз ва шиширувчилар ичидаги қўшимча моддалар бола танасидаги сув-туз мувозанатига, буйрак, буйрак усти безлари ва мияга салбий таъсир қилади. (“Туз”, “Қўшимча Моддалар” ва “Зехн бошқаруви” бўлимларига қаранг.)

Сунъий аромат (Этил ванили): Гентехнология ва Нанотехнология воситасида кўпайтирилган. Боланинг гиперфаоллик, гормон ва бадан-руҳ мувозанатига салбий таъсир кўрсатади. (“Зехн бошқаруви” бўлимига қаранг.)

Болаларга асосий овқат ёки илова сифатида едирилган бисквит ҳам, барча қўшимча маҳсулотлар каби, ҳазм бўлмайди.

Булардан ташқари, онанинг еган (пакетланган) егуликлари ва ичимликлари, парфюмерия, бадан парваришида ишлатган маҳсулотларидаги ва кир ювиш порошокларидаги кимёвий моддалар ва қўшимчалар, она сутига аралашиб сутни бузади ва ҳам боланинг, ҳам онанинг миясига салбий таъсир қилади. (“ГМО”, “Бола парвариши” ва “Қўшимча моддалар” бўлимларига қаранг.)

Болаларга маълум пайтларда қилинган эмлашлар (вакциналар) дунёда таъқиқланишига қарамай, Туркияда ҳалигача “Тимеросал” дейилган моддадан фойдаланилмоқда. Тимеросал, симоб таркибли кучли невротоксиндир ва аутизмнинг сабабларидан биридир.

Симоб таркибли моддаларнинг ҳайвон ва инсонга таъсирлари мавзуида мутахассис, дунёга танилган Др. Бойд Халей шундай дейди: “Бир ҳайвоннинг миясига инъекция қилинган Тимеросал мияни бузади, жонли тўқималарга инъекция қилинган Тимеросал тўқималар хужайраларини ўлдиради”. Сунъий тўлғоқ ва “цезар жарроҳлиги”дан зарар кўрган боланинг миясига туғилгандан кейинги илк кунларда эмлаш (прививка) билан тимеросал моддаси қўшилади. (“Эмлаш” бўлимига қаранг.)

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолддин Йўлдош